

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

585 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида» ва «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ:

1. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ–630-сонли қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-иловага мувофиқ ўзгартишлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сонли қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 31 октябрь,
ПҚ-2060-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2013 йил 31 октябрдаги
ПҚ-2060-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва
уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги
низомага киритиладиган ўзгартишлар**

1. 31-банднинг иккинчи хатбоши ва 34-банднинг саккизинчи хатбошидаги «маълумотнома» сўзи «хулоса» сўзи билан алмаштирилсин.
2. 32-банддаги «маълумотномаси» сўзи «хулосаси» сўзи билан алмаштирилсин.
3. 54-банднинг учинчи хатбошидаги «маълумотномаси» ва «Маълумотнома» сўзлари тегишли равишда «хулосаси» ва «Хулоса» сўзлари билан алмаштирилсин.
4. 1-илованинг (Молия-хўжалик фаолиятини амалга ошираётган корхоналарни ихтиёрий тугатиш Схемаси) тўққизинчи босқичи «Механизм» устуни, ўнинчи босқичи «Муддатлар» устуни ва ўн биринчи босқичи «Механизм» устунининг тўққизинчи хатбошидаги «маълумотнома» сўзлари «хулоса» сўзи билан алмаштирилсин.
5. 3-илованинг (Тадбиркорлик субъектлари — жисмоний шахслар фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш Схемаси) биринчи босқичи «Механизм» ва «Муддатлар» устунларида, иккинчи босқичнинг «Механизм» устунидаги биринчи хатбошида ҳамда учинчи босқичнинг «Механизм» устунидаги «маълумотнома» сўзлари «хулоса» сўзи билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2013 йил 31 октябрдаги
ПҚ–2060-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва
ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги
низоми киритиладиган қўшимчалар**

1. 11-банднинг «г» кичик банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда, хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этишга, хўжалик юритувчи субъектларнинг қўшилиши ва бирлашишига дастлабки розиликни бериш тўғрисида монополияга қарши органнинг қарори».

2. 33-банд:

а) қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, устав фондида (устав капиталида) акцияларни (улушларни) сотиб олиш бўйича битимларни амалга оширишга, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этишга, хўжалик юритувчи субъектларнинг қўшилиши ва бирлашишига дастлабки розиликни бериш тўғрисида монополияга қарши органнинг қарори»;

б) ўнинчи — ўн учинчи хатбошилар тегишли равишда ўн биринчи — ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.